



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шарт сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

Тўлқин Исмагулла ўғли Яхёев – СамИСИ ўқитувчиси

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация: ушбу мақола қурилиш корхоналарининг рейтинг баҳолаш, унинг фаолият жараёнларининг алоҳида хусусиятлари ҳамда қурилиш корхоналарининг иқтисодий таҳлилнинг объекти сифатидаги алоҳида хусусиятлари тўғрисида.

Калит сўзлар: қурилиш корхоналари, таҳлил, қурилиш соҳаси, иқтисодий таҳлилнинг объекти, қурилиш корхоналарида иқтисодий таҳлилнинг мақсади, давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари.

Кириш. Қурилиш халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларни қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, халқ хўжалигининг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради. Республикада қурилиш ишлари пудрат, субпудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади. Қурилиш индустрияси негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари, шунингдек, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда қурилиш-монтаж компаниялари, корпорациялари, қурилиш акциядорлик жамиятлари ва бирлашмалари, қуйи пудрат ташкилотлари, кичик корхоналар, қўшма корхоналар, лойиҳа ва илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ушбу мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт манбалари таҳлили, қурилиш соҳасида фундаментал тадқиқотлар қаторида И.С.Степанова [1], Аренс Э.А. [2], ДЖ.К. Лоббек [3], Серов В.М. [4], Гурков И.Б [5] сингари хорижий олимларнинг, М.К.Пардаев[6], Н.Т.Тухлиев [7], Э.В.Голышева [8], М. Мирахмедов [9], А.А.Эшпаев [10], К.Б.Уразов [11], сингари маҳаллий иқтисодчи олимларнинг қурилиш соҳасидаги турли масалалари бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Тадқиқот методологияси. Илмий-тадқиқот ишида статистик ва иқтисодий таҳлил усуллари, таҳлил, синтез, мавхумий-мантиқий таҳлил, шунингдек, танловли кузатув, социологик сўров, SWOT-таҳлил, қиёслов усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Қурилиш корхоналари томонидан амалга оширилаётган иш(хизмат)ларни уларнинг бажарилиш муддати, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш хусусияти мавжудлиги, натижаларнинг фарқланиши, субпудратчилар хизматидан фойдаланилиш даражаси ҳамда кўрсатилаётган иш(хизмат)ларнинг тартиблаштириш йўналишларини инобатга олган ҳолда қурилиш корхоналари томонидан бажариладиган иш(хизмат)лар натижаларининг фарқли жиҳатлари инобатга олиниб янги моддий кўринишдаги объект яратадиган ҳамда мажмуани модернизация қиладиган иш(хизмат)лар каби таснифласак мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).

1-расмда қурилиш хизматларининг таснифланиши ушбу корхоналарнинг ҳисоб юритишида ва таҳлил жараёнида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ушбу таснифдан келиб чиқиб қурилиш корхоналарида бажариладиган қурилиш ишлари ҳисобини юритиш жараёнида 2000 – асосий ишлаб чиқариш счёти таркибида иккита аналитик счётлар:

2010 – янги объект яратилиши бўйича кўрсатиладиган иш(хизмат)лар;

2020 – объектларни модернизация қилиш бўйича кўрсатиладиган иш(хизмат)лар каби очилиши ҳамда ҳисоб алоҳида юритилиши мақсадга мувофиқдир.

Натижада давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ташкил қилинган КРІ – корхоналарнинг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш тизимига киритилган қурилиш корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларига киритилган “қурилиш корхона-



1-расм. Қурилиш корхоналари томонидан бажариладиган иш (хизмат)ларни якуний натижаси бўйича таснифи¹.

ларининг янги объектлар яратувчанлик коэффициенти” кўрсаткичини аниқлаш ҳамда статистика томонидан қабул қилинадиган “12 корхона шакли”, 1-кб шакли ҳамда 4-кб (қурилиш, савдо, хизмат) ҳисоботларини тўлдириш жараёнида маълум қулайликлар яратади.

Қурилиш корхоналарининг янги объектлар яратувчанлик коэффициенти қуйидагича аниқланади.

$$ЯК = \frac{ЯҚО}{ЖБҚ} = \frac{2010 \text{ счёт}}{2010 \text{ счёт} + 2020 \text{ счёт}}$$


- ЯК – яратувчанлик коэффициенти,
- ЯҚО – янги қурилган объектлар миқдори,
- ЖБҚ – жами бажарилган қурилиш ишлари.

Қурилиш корхоналарида бажариладиган қурилиш ишларининг якуний натижаси бўйича таснифланиши бевосита мамлакатимизда бугунда қурилиш корхоналарининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлашда ҳам ўз самарасини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш корхоналари рейтинги Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги категориялар бўйича rating.mc.uz сайти орқали баҳоланиб келинмоқда. Бу категориялар қурилиш корхоналарининг мамлакатимизда ўрни, бошқа қурилиш корхоналари билан рақобатлаша олиш даражаси, тендерларда қатнашиш жараёнида ғолибликка эришиш имкониятлари ҳамда қайси даражадаги қурилиш объектларини қуришга даъвогарлик қилишигача ўз имкониятларини белгилаб беради.

Қурилиш корхоналари ушбу категориялар бўйича баҳоланиши натижасида тўртта гуруҳга ажратилади.

¹ Муаллиф томонидан берилган.



2-расм. Қурилиш корхоналарини баҳолаш категориялари

1-жадвал

Ишончлилик тоифаси	Рейтинг баҳоси	Ишончлилик даражаси	% дан	% гача
А	AAA	1-юқори даража	85	100
	AA	2-юқори даража	75	85
	A	3-юқори даража	65	75
В	BBB	1-ўрта даража	55	65
	BB	2-ўрта даража	40	55
	B	3-ўрта даража	35	40
С	CCC	1-кониқарли даража	30	35
	CC	2-кониқарли даража	25	30
	C	3-кониқарли даража	20	25
D	DDD	1-қуйи даража	7	20
	DD	2-қуйи даража	5	7
	D	3-қуйи даража	0	5

Эндиликда қурилиш корхоналари ўзининг даражаларини ўзгаришини ушбу категориялар орқали яратилган сайт бўйича кузатиб боришлари ҳамда ўз фаолиятини яхшилаш йўллари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин.

Юқорида келтирилган категорияларга аҳамият қаратиладиган бўлса бешта категориядан учтасини яъни молиявий кўрсаткичлар, моддий-техник база ҳамда рақобатбардошлик категорияларини молиявий ҳолат таҳлилисиз амалга ошириш мумкин эмас.

Корхоналарда молиявий ҳолат бу бошқарув тизими, инвесторлар ҳамда бугун мамлакат даражасида ҳам ўта муҳимдир. Шу боисдан молиявий ҳолат таҳлилинини узлуксиз амалга ошириб бориш муҳим заруриятдир. Молиявий ҳолат таҳлиliga кўплаб хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлари ўз таърифларини ишлаб чиққан. Масалан, М.И. Баканов молиявий ҳолат таҳлиliga қуйидагича таъриф берган “Молиявий ҳолат таҳлили деганда молиявий ресурсларнинг турлари бўйича мавжудлигини, рақобатбардошлигини, давлат ва бошқа хўжалик субъектлари олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар каби муҳим жиҳатлар мажмуаси тушунилади”. Юқоридаги таърифдагидек молиявий ҳолат таҳлилинини фақатгина кўрсаткичлар ёки кўрсаткичлар тизими деб қарасак “Молиявий ҳолат таҳлили” терминини тўлиқ қамраб ололмаган ҳисобланамиз. Буни қуйида мамлакатимиз ҳамда хорижий олимлар томонидан корхонанинг молиявий ҳолатига берилган таърифларда ҳам кўришимиз мумкин. Шундай таърифлардан бири Пардаев М.Қ. томонидан берилган таърифдир. Унга кўра молиявий ҳолатга қуйидагича таъриф берилган “Молиявий ҳолат - корхонани молиялаштиришга қодирлик даражаси¹”. Бундан ташқари Л.И. Донсова, Н.А.Никифоровалар молиявий ҳолатга “Молиявий ҳолат – корхона активлари ва капиталнинг таркибий элементларини баланслиги шунингдек улардан самарали фойдаланиш даражасини характерловчи ифода ҳисобланади²” деб таъриф берган.

¹Pardayev M.Q. Iqtisodiy tahlil nazariyasi.Samarqand.: Zarafshon, 2005-yil, 183-bet.

²L.I.Donsova, N.I. Nikiforova., “Анализ финансовой отчетности”, М: Дело и сервис, стр-6.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида бериб ўтилган таърифлар албатта корхонанинг молиявий ҳолатини ҳамда корхоналарда молиявий ҳолат таҳлилини маълум даражада ёритиб берган. Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда қурилиш корхоналарида молиявий ҳолат ҳамда молиявий ҳолат таҳлиliga ўз таърифимизни ишлаб чиқдик.

Қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолати корхонанинг активлари ҳамда унинг ташкил топиш манбаларининг ҳолат ҳамда ҳаракат билан бир қаторда корхонанинг тўловга қодирлиги, молиявий барқарорлиги, даромадлиги, натижавийлиги ва албатта рентабеллигидир.

Қурилиш корхоналарида молиявий ҳолат таҳлили корхонанинг айна пайтдаги молиявий ҳолатини маълум белгиланган таҳлилий кўрсаткичлар асосида ўрганиш, молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни динамик ҳамда таркибий ўзгаришни баҳолаш, фаолият давомида эришилган натижаларга омиллар таъсирини аниқлаш ва корхонада мавжуд фойдаланилмаётган имкониятларни топиш билан шуғулланувчи соҳа ҳисобланади¹.

Берилган таърифларнинг алоҳида хусусияти ушбу таърифларда таҳлил жараёнини барча босқичлари қамрови мавжуддир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январ.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 24 феврал, ПҚ-4611-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш – монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4586 сонли Қарори. 06.02.2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6119 сонли Фармони – 28.11.2020.
5. Экономика строительства: Учебник / под общей ред. И.С.Степанова. - 3-е изд., доп. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2004..
6. Аренс Э.А., ДЖ.К. Лоббек. Аудит. Учебник. М.: Финансы и статистика, 2001.
7. Шодмонов Ш.Ш, Фафуров У.У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Фан ва технология, 2005.
8. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. Учебное пособие. – М.: ТЕИС, 2004.
9. Гусева М.И., Коготкова И.З. Маркетинг в строительстве. Учебное пособие.(Серия «Высшая школа»). – М.: Книжный мир, 2011.
10. Мирахмедов М., Шомирзаев Э. Қурилиш мажмуасини ташкил этиш ва менежмент. –Тошкент: ТАҚИ, 2012.
11. Нурибетов Р.И. Лойиҳалар таҳлили ва уларни бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТАҚИ, 2012.
12. Нурибетов Р.И. Корпоратив бошқарув.- (ўқув қўлланма) – Т.: ТАҚИ, 2012.-156 б.
13. Раҳимов Қ.Е. Қурилишда маркетинг ва ягона буюртмачи хизматини ташкил этиш. Дарслик. – Т.: ТАҚИ, 2018.

Т.Яхёев	T.Yahyoeyev
Механизмы оценки финансового состояния строительных предприятий	Mechanisms for rating the financial status of construction enterprises
Аннотация: В статье речь идет о классификации строительных предприятий, особенностях процес-сов их деятельности и особенностях строительных предприятий как объекта экономического анализа.	Abstract: The article deals with the classification of construction enterprises, the features of the processes of their activities and the features of construction enterprises as an object of economic analysis.
Ключевые слова: строительные предприятия, анализ, строительная отрасль, объект экономического анализа, цель экономического анализа в строительных предприятиях, государственные, акционерные, частные, совместные и другие подрядные строительно-монтажные организации.	Keywords: construction enterprises, analysis, construction industry, object of economic analysis, purpose of economic analysis in construction enterprises, state, joint-stock, private, joint and other contract construction and installation organizations.

¹ Муаллиф томонидан берилган.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023